**«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси**
**очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг**
**ДИҚҚАТИГА!**

**ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2014 йил 27 июн куни, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй, «SHARQ» НМАК ОАЖнинг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 10:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 9:00 дан бошланади. Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестри 2014 йил 30 май ҳолатига, йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладиган акциядорлар реестри 2014 йил 23 июн ҳолатига шакллантирилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. «SHARQ» НМАК ОАЖнинг 2013 йил якуни бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботи.
3. «SHARQ» НМАК ОАЖнинг 2013 йил фаолияти якунлари бўйича Ижроия органи ҳисоботи.
4. «SHARQ» НМАК ОАЖнинг 2013 йил бухгалтерия баланси, фойда ва зарарни тасдиқлаш, компания тафтиш ҳаъати ва ташқи аудиторлик текшируви якунлари тўғрисида.
5. «SHARQ» НМАК ОАЖнинг 2014 йил ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида.
6. «SHARQ» НМАК ОАЖнинг 2013 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш, акцияларига дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шаклини белгилаш тўғрисида.
7. Кузатув кенгаши аъзоларини ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш ва тақдирлаш масаласи.
8. «SHARQ» НМАК ОАЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
9. «SHARQ» НМАК ОАЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. «SHARQ» НМАК ОАЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
11. «SHARQ» НМАК ОАЖнинг Уставини ҳамда ички меъёрий хужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш:
    - *“Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом;*
    - *“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом;*
    - *“Ижроия органи тўғрисида”ги Низом;*
    - *“Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом.*

***Умумий йиғилишда қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шаҳсни тасдиқловчи хужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.***

***Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан «SHARQ» НМАК ОАЖда ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишиш мумкин.***

***Маълумот учун телефон: 233-75-98.***
***Расмий веб сайт: www.sharq.uz***
***Электрон почта манзили: info@sharq.uz***

**Жамият Кузатув Кенгаши.**